ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ СИНДЗО АБЭНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 2019 ЙИЛ 17-20 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛАДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-Y. 19-DEKABR, №51 (1196)

МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ ЕРДА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ ҚИЛИНГАН. **2-БЕТ**

2018-2019 ЙИЛЛАРДА ҚИДИРУВДА БЎЛГАН 56 КИШИ УШЛАНДИ. **4-БЕТ**

ҲИСОБИДАН АДАШГАН ҲИСОБЧИ 27,5 МЛН. СЎМЛИК ТЎЛОВНИ ЖИҒИЛДОНИГА УРДИ. **10-БЕТ**

ШИРКАТ РАИСИ ҲАЁТИМИЗГА ХАВФ СОЛАЁТГАН "БОМБАЧА"ЛАР САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАНИГА НИМА ДЕЙСИЗ?! **11-БЕТ**



ҚОНУННИ БИЛГАН АЛДАНМАЙДИ

ФУҚАРОЛАРНИ **207 000 000 000** СЎМГА«УХЛАТИШДИ».

5-БЕТ



ЮРСАНГ САЁҚ...

КОЛЛЕЖ ЎҚУВЧИЛАРИ 10 ДАН ОРТИҚ ҲОЛАТДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН.

6-БЕТ

ҚИЗАЛОҚ КЎЗ ЎНГИДАГИ ЖИНОЯТ



ҲОМИЛАДОР АЁЛ ҚАЙНУКАСИ ТОМОНИДАН...

8-БЕТ

«ШУМ БОЛА» «ОПЕРАЦИЯ»СИ

ДАЛАДАГИ «ВИСОЛ» ҚИММАТГА ТУШАЁЗДИ.

9-БЕТ



БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ШОРА

Айни вақтда даъво ва келишмовчиликларни адолатли ҳал этиш, ҳақиқатни рўёбга чиқаришда суд-экспертиза муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Чунки суд экспертизаси махсус билимларга асосланган, иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита, инкор этиб бўлмайдиган далилдир. Аммо бу тизимда ҳам тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этмаслик, қонун нормаларини бузиш ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, Сурхондарё вилояти суд-тиббий экспертиза бўлими мутахассиси лавозимида ишлаган Ф.Ҳ. 100 АҚШ доллари эвазига қонунга хилоф равишда тиббий хулоса тайёрлаб бермоқчи бўлди.

Бу воқеа икки йил аввал содир бўлган экан. Фуқаро О.Б.нинг маълум қилишича, 2017 йилда бир йигит синглисига уйланишини айтиб, номусига текканини, кейинчалик эса у билан турмуш қурмаслигини, номусига ҳам тегмаганини билдиради. Шундан сўнг О.Б. ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилади. Туман ички ишлар идораси мазкур ариза бўйича О.Б.нинг синглисига тиббий экспертиза тайинлайди.

Хуллас, опа-сингиллар Сурхондарё вилояти суд-тиббий экспертиза бўлимига келишади. Улар Ф.Ҳ.га учрашганларида, у воқеа содир этилганига икки йилдан ошиқ вақт бўлгани учун экспертиза фақатгина қизнинг бокира ёки бокира эмаслиги ҳақида хулоса бера олишини, айбдорнинг шахсини аниқлашнинг эса иложи йўқлигини айтади. Ф.Ҳ.нинг бу гапларидан сўнг О.Б. ва унинг синглиси тушкунликка тушиб, бошқа иложи йўқми деб сўрашади. Бу вазиятдан Ф.Ҳ. ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлади ва 100 доллар эвазига тиббий экспертиза хулосасини уларнинг фойдасига чиқариб беришини айтади.

Опа-сингиллар аввалига унинг талабига рози бўлиб, пул топиш ҳаракатига тушишди. Аммо бундай ноқонуний иш ортидан бахтли оила қуриш мумкин эмаслигини англаб, мазкур ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилишди. Департаментнинг Жарқўрғон тумани бўлими ходимлари ўтказган тадбирда Ф.Ҳ. ўзининг хизмат хонасида 100 АҚШ долларини олган вақтида ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг ҳукми билан Ф.Ҳ.га нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шиддатбек АБДУЛЛАЕВ,
департаментнинг Жарқўрғон тумани бўлими бошлиғи

FAOLIYAT

ЕР СОТГАНЛАР УШЛАНДИ

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ердан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн. гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 млн. гектар суғориладиган ерлардан фойдаланилмоқда.

Узоқ йиллар давомида пахта ва ғалла экиб келинган ерлар тадбиркорлик субъектларига экспортбоп мева-сабзавот етиштириш ва бошқа мақсадлар учун ажратилмоқда. Натижада ер олиб ўз бизнесини бошлаган тадбиркорлар бугун маҳсулотларини нафақат ички бозорда сотаяпти, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Бироқ айрим фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари яратилаётган имкониятдан тўғри фойдаланмасдан, ердан ноқонуний фойдаланаётган ҳолатлар ҳам учраяпти. Биргина 2019 йилнинг ўтган даврида мамлакат бўйича 13130 та ҳолатда 1827 гектар ер ўзбошимчалик билан эгалланган, 8138 та ҳолатда 1082 гектар ерда ноқонуний қурилиш қилингани аниқланган. Мисол учун, 2019 йил 17 декабрь куни прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Зангиота тумани ҳокимлиги умумий бўлим мудири А.Т. ва «M.G.S.» МЧЖ раҳбари М.С. жиноий тил бириктириб, жамиятга тегишли бўлган Зангиота тумани Қатортол қишлоғи Наврўз массивидаги 2,7 гектар ернинг 0,3 гектарини ноқонуний равишда фуқаро С.Х.га ҳар бир сотихини 4 мингдан, жами 120 минг АҚШ долларига сотаётган вақтида ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозир тергов ўтказилмоқда. Келгусида ҳам ерни ўзбошимчалик билан эгаллаш, ноқонуний қурилиш қилиш ва ердан қонунга зид фойдаланиш ҳолатлари бўйича қатъий чоралар кўрилиб, жазо муқаррарлиги таъминланади.

Муродулло АБДУҲАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари


ТАДБИРЛИ ОИЛА КАМ БЎЛМАС

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Жаслиқ қўрғонида жойлашган ИИВ қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ҳамда Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда юздан ортиқ шахснинг мурожаати тингланди. Шундан 89 кишининг мурожаати жойида ҳал этилиб, қўшимча текширишни талаб қиладиган 11 та мурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинди.

Бу каби тадбир Чирчиқ гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам ўтказилди. Сайёр қабулда 50 дан ортиқ мурожаат қабул қилиниб, шундан 20 таси жойида ҳал этилди, 30 дан зиёд мурожаат бўйича тушунтириш берилди.

Шунингдек, Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Чирчиқ гарнизони ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари иштирокида «Тадбиркор бўлиш учун нима қилиш керак?» мавзусида тадбир ўтказилди.



Тадбирда тадбиркорлар мастер класслар ўтказишди. Шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳунармандчилик билан шуғулланиш тартиби тўғрисида тушунтириш берилди.

Тадбир якунида ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ўтказилди ва ҳарбий хизматчилар томонидан концерт намойиш этилди.

Давлатёр РАХМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари

TADBIR

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ФАРОВОНЛИК ГАРОВИДИР

2019 йилнинг 18 декабрь куни пойтахтимизда жойлашган «Зарафшон» зали «Media hall»ида «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» муҳокамалар клубининг «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш мамлакат ривожи ва халқ фаровонлиги гаровидир» мавзусига бағишланган сессияси бўлиб ўтди.



Унда Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев, Олий суд раиси Козимжон Комилов, Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов, Адлия вазири Русланбек Давлетов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази директори Дилором Тошмуҳамедова қатнашди. Шунингдек, турли давлат органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Юртимизда қабул қилинаётган қонунлар негизида нафақат турли соҳа ва йўналишларни тартибга солиш, балки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади ҳам мужассам. Тадбирда қонунлар ижросини назорат қилиш билан бирга жамиятда қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ҳиссини кучайтириш, инсон манфаатларини таъминлаш, давлат идоралари фаолиятини такомиллаштириш, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Маълумки, адолат бор жойда тараққиёт бўлади, жамият ҳаётидаги катта-кичик муаммолар бирин-кетин бартараф этилади. Тадбирда ҳар бир соҳада мутасаддиларнинг самарали фаолият юритиши ҳамда ҳамиша адолатни қарор топтириш йўлида курашмоғи энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолиши таъкидланди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»

NAZORAT

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Навоий вилояти прокуратураси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ижроси доимий назоратга олинган.

Жорий йилда вилоят бўйича 7071 та тадбиркорлик субъектини ташкил этиш режалаштирилди. Декабрь ойига қадар 6545 таси ташкил этилиб, режа 92,5 фоиз бажарилди.

Назорат тадбирлари давомида режа ижросини таъминламаган Навбаҳор, Нурота ва Конимех тумани ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарларига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бугунги кунда ҳудудларда вилоят прокурори ва унинг ўринбосарлари, тармоқ раҳбарлари туманларда тадбиркорлар билан мулоқот ўтказиб келмоқда.

Мунтазам ўтказилаётган учрашувларда ҳозирги кунгача 700 дан ортиқ тадбиркор қабул қилинди. Уларга яратилаётган имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш борасида тушунтириш берилиб, муаммоларини бартараф этиш чоралари кўрилаяпти.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтган даврда келиб тушган мурожаатлар бўйича 501 нафар тадбиркорнинг муаммоси ҳал қилинди. Шундан 146 тасига 26 млрд. 866 млн. сўмлик кредит, 27 тасига 75,3 гектар ер ва 10 тасига бўш турган бино ажратилишида, 65 тасига коммуникация тармоғига уланишда, 9 тасига лицензия олишда ҳамда 244 тасига фаолиятида юзага келган бошқа муаммоларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, Навбаҳор тумани прокуратураси тадбиркорлик субъектларига ер ажратилишининг қонунийлигини ўрганганда маълум бўлишича, туман ҳокимининг 2019 йил 26 июлдаги қарори билан «E-ijro auksion» ягона электрон майдончаси ғолиби «Кармана кристал салт» МЧЖга оҳак цехи қуриш учун

333 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 3567 та иш ўрни ташкил этилди.

0,5 гектар ер ажратилган. Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига зид равишда лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш мажбурияти тадбиркор зиммасига юклатилгани аниқланган ва ушбу қарорни қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида протест келтирилган.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан бошқа тадбиркорлик субъектларига қонунга зид равишда мажбурият юклатилгани аниқланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан ўтган даврда 198 та ҳолатда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунбузилишлар аниқланиб, 31 нафар мансабдорнинг маъмурий ҳамда 13 нафарининг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилган.

Хусусан, вилоят прокуратураси ўтказган назорат тадбирида Навоий шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Х.Бўтаев «Шамс Навоий» хусусий корхонасига қарашли дўконда электрон рўйхатга олиш тизимига керакли маълумотларни киритмасдан ноқонуний текшириш ўтказгани аниқланди. Унга нисбатан МЖТКнинг 241^2-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилиб, кўриб чиқиш учун маъмурий судга юборилди.

Давлат раҳбарининг вилоятга ташрифи давомида 2019-2020 йилларда жами 511 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. 2019 йилнинг 1 декабригача 1 трлн. 210 млрд. 630 млн. сўмлик 333 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 3567 та иш ўрни ташкил этилди.

Равшан ЗАЙНИЕВ,
Навоий вилояти прокурорининг ўринбосари

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби ўринбосари Се Сяоюн бошчилигидаги кузатувчилар миссияси мамлакатимизга ташриф буюрди.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!



2019 йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа – Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти билан бевосита боғлиқ бу сайловда фаол қатнашиш, эртанги кунимиз, орзу-умидларимиз рўёбга чиқиши учун муносиб номзодларга овоз бериш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Бугунги кунда сайлов қонунчилиги миллий қадриятларимиз ва давлатчилигимиз тарихини, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Конституциясига, сайлов ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларга амал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу эса сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошкоралиги, қонунийлигини таъминлашнинг яна бир муҳим кафолатидир.

Сайлов ишончга асосланади. Сиёсий партиялар кўрсатган номзодларнинг аксарияти элга танилган, халқ манфаати йўлида бирор юмуш топширилса, уддасидан чиқадиган кишилар. Лекин биз улар орасидан фаолларнинг фаоли, тўғрисўз, лоқайдлик ва бюрократияга карши муросасиз кураша оладиган, бир сўз билан айтганда, ватан, эл равнақи учун керак бўлса жонини фидо этишга ҳам тайёрларини танлаб олишимизга тўғри келади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, «ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислоҳотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради».

Эркинлик, ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтаётган бу муҳим тадбирга бағишланган учрашувларда, номзодларнинг сайловчилар билан мулоқотларида турли касб эгалари, катталар билан бирга ёшлар ҳам фаол иштирок этаётгани айниқса қувонарлидир. Биринчи марта сайлов ҳуқуқидан фойдаланаётган фарзандларимиз билан мулоқотда бўлсангиз, уларнинг қувончига гувоҳ бўласиз.

– Мен сайловда биринчи марта қатнашаяпман, – дейди Қарши туманидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги коллежи ўқувчиси Аслиддин Норқобилов. – Менинг овозим ҳам юрт тараққиётига, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга дахлдор бўлади. Сайловда албатта ўзим танлаган муносиб номзодларга овоз бераман.

Ҳаёт давом этади. Аммо ҳамма замонларда ҳам инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ошиб боришдан тўхтамаган. Янги шароит, янги имкониятлар, табиийки, янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Узоққа бормайлик, собиқ шўро тузумида кечган ҳаётимиз билан бугунги кунимизни қиёслайлик – орадан ўтган 28 йил ичида мислсиз ўзгаришлар содир бўлди, энг қизиғи, бу ўзгаришлар эндиликда кўпчилигимиз учун оддий воқеага айланиб қолди.

Бугун Миришкор туманининг чекка қишлоғида бунёд этилган замонавий мактабда таълим олаётган ўқувчи компьютер орқали дунё билан мулоқот қилмоқда. Кечагина коллежни тамомлаган деҳқонободлик йигит Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темирйўлида мутахассис бўлиб иш бошлади. Шаҳрисабзнинг қадимий ҳунармандчилик санъатини эъзозлаётган ёш ҳунарманд уни ғурур билан жаҳонга кўз-кўз этаяпти. Китоб туманининг тоғли қишлоғида истиқомат қилаётган ўқувчи халқаро фан олимпиадаси ғолибига айланди. Касбида деҳқончилик қилаётган навқирон фермер ҳосилдорликда мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди. Косон туманининг Гувалак қишлоғилик полвон қизлар дунёни лол этиб, юртимиз байроғини баланд тутишаяпти.

Шундай бўлиши ҳам керак-да ахир. Шу шиддат, шу шижоат бизга ҳамроҳ экан, биздан келажак авлодларга, наинки озод ва обод ватан, айни чоғда аҳиллик, меҳр-оқибат ҳам қолади. Шу умид, шу орзу учун муносиб номзодларга овоз берайлик, азиз ватандошлар!

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

ОЧИҚ ВА ОШКОРАЛИК НАФАСИ БИЛАН

Фарғона вилояти прокуратурасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, прокуратура органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган матбуот анжуманида вилоят прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Ўтган ўн ой мобайнида 9 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди. 40 мингдан ортиқ шахс, шу жумладан, 5 мингга яқин юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Мансабдорларнинг 2 мингдан ортиқ ноқонуний қарорига протест келтирилиб, бекор қилинди. Қонун бузилишига йўл қўйган шахслар интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортилди. Айбдорлар 3 млрд. сўмдан ортиқ зарарни ихтиёрий тўлашига эришилди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг 29 мингдан зиёд мурожаатининг 82 фоизи бевосита прокуратура органларида кўриб чиқилиб, 26 фоизи қаноатлантирилди. 30 мингга яқин фуқаро ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди. Судларда кўрилган 6 мингдан ортиқ ишларда прокурор иштироки таъминланиб, 200 га яқин ноқонуний қарорга протест келтирилди. Судлар орқали мингдан зиёд ходимнинг 2 млрд. сўмга яқин иш ҳақи ундириб берилди.

Аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, 9 мингдан ортиқ тарғибот тадбири амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик прокуратура органларининг асосий вазифаларидандир. Хусусан, мингдан ортиқ тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари, 2 мингдан ортиғининг эса фаолияти тикланди. Прокурорларнинг ёрдами билан ёш тадбиркорларнинг 60 нафарига ер, 70 нафарига 16 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратиб берилди. Натижада 400 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят прокуратураси органларининг ёрдами билан 2 мингдан ортиқ аёл ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ОАВда, жумладан, телевидение ҳамда интернетда жамоатчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлаётган воқеалар ҳақида расмий баёнот берилди.

Вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, соғлом ўсишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фарзандининг таълим-тарбиясига бефарқ бўлиб, мажбуриятини бажармаган ота-оналарга чора кўрилди. 60 тадан ортиқ ҳолатда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида судларга даъво аризаси киритилди. Ҳамкорликда қилинган ишлар натижасида вояга етмаганлар жинояти 11 фоиз камайишига эришилди.

Қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган юздан ортиқ тадбир ўтказилди.

Прокурорлар раҳбарлигидаги секторларда хонадонларга кириб борилиб ҳамда сайёр қабулларда аҳолини қийнаётган муаммолар ўрганилиб, аксарияти ҳал этилди. Қолганлари "йўл хариталари"га киритилди. Хусусан, 3 мингдан зиёд ишсиз ишга жойлаштирилди, мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат ҳамда маиший буюмлар берилди. 100 дан ортиқ оиланинг томорқасига иссиқхона қуриб берилди. 500 дан зиёд оилага парранда, 200 га яқин оилага қорамол тарқатилди. 70 дан ортиқ уй таъмирланди.

Шунингдек, ногиронларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, сиҳаттоҳларга йўлланма берилди. 250 дан ортиқ ногирон аравача, протез-ортопедия маҳсулотлари, эшитиш мосламаси билан таъминланди.

Кам таъминланган оилаларни қўллаш, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида фермер хўжаликларининг ғалладан бўшаган ерларини бир сўм қийматида ижарага бериш тизими йўлга қўйилди. 4 минг гектардан зиёд ерни ижарага бериш шартномаси тузилиб, мингдан зиёд фуқарога такрорий экин экиб фойдаланиши учун ёрдам кўрсатилди.

Сектор ҳудудида 70 километрдан ортиқ сув қувури тортилиб, насослар, сув миноралари таъмирдан чиқарилди, баъзи жойларда янгилари ўрнатилди. Шунингдек, 35 км. йўлга асфальт, 200 км. йўлга шағал ётқизилиб, 100 км.дан ортиқ йўлни асфальтлаш дастурга киритилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги тизимли ишлар натижасида жиноятлар сони 25 фоиз камайишига эришилиб, ҳудуддаги криминоген вазият яхшиланди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси



2019 йил 13 декабрь куни «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

ЖИНОЯТДАН ХОЛИ МАҲАЛЛА

Сирдарё вилояти прокуратураси органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган ўн ой давомида бу борада жами 1703 та оммавий тадбир ўтказилди.

Криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда вилоят ҳудудида 221 та жамоатчилик назорати маскани ташкил этилди ва ҳар бир масканга «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патрул гуруҳи аъзолари бириктирилди. Натижада вилоятдаги 222 та маҳалланинг 34 фоизида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 18 июль куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига асосан вилоятда «Жиноятчиликдан холи маҳалла» концепцияси жорий этилди. Маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни сифатли ташкил этиш мақсадида самарасиз фаолият кўрсатиб келаётган 10 та ички ишлар бўлими тугатилиб, жиноятлар кўпайган ва аҳоли кўп бўлган ҳудудларда 4 та ички ишлар бўлими ва 35 та маҳалла ички ишлар бўлинмаси ташкил этилди. Маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ҳокимлик, прокуратура ва солиқ идоралари ҳамда жамоатчилик вакиллари рўйхат асосида бўлинмаларга бириктирилди.

Умумий жиноятлар 21,5 фоиз камайишига эришилди.

«Жиноятчиликдан холи маҳалла» концепцияси доирасида 87 та ички ишлар органлари таянч пункти ва 60 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси таъмирланди. Вилоятдаги 342 та таълим муассасасида профилактика инспекторлари учун хизмат хоналари ажратилди. «Хавфсиз шаҳар» концепцияси асосида аҳоли гавжум жойларга 3 та «sos» ташвиш қурилмаси, кўп қаватли уйлар атрофида 88 та чироқ ва 212 та кузатув камераси ҳамда 54 та «мактаб ўқувчиси» 3D макети ўрнатилди. 16 та йирик бозорга 84 та, «Бахт-Х» деҳқон бозорига 4 та, «Бахт» савдо комплексига 3 та, ижтимоий, маиший ва савдо-сотиқ объектларига 3 868 та, вилоят миграция хизмати маъмурий биносига 11 та, Гулистон шаҳридаги аҳоли гавжум жойларга 4 та юзни таниб олувчи кузатув камералари ўрнатилиб, барчаси навбатчилик қисмида ташкил этилган «Вазиятларни назорат қилиш маркази»га уланди. 84 нафар профилактика инспектори ёрдамчисига велосипед, вилоят ИИБ учун «Исузу» русумли автобус, Миграция хизмати учун «Дамас» ҳамда Боёвут тумани учун «Нексия-3» русумли автомашиналар ажратилди.

Жорий йил 1 сентябрдан бошлаб ИИВ малака ошириш институти билан биргаликда махсус ўқув курслари ташкил этилиб, 70 нафар ходим ўқитилди.

Жиноятлар сони ошган ва камаймаган маҳаллаларнинг ҳар бири учун алоҳида «йўл харита»си ишлаб чиқилиб, қўшимча куч ва воситалар жалб қилинди. Шу билан бирга, транспортлар ҳаракати чекланган ҳамда аҳоли гавжум ҳудудларда 10 та мотопатруль йўналиши ташкил этилди.

Ўтказилган тергов ва тезкор-қидирув тадбирлари давомида 2018-2019 йилларда фош этилмай қолган жиноятлардан 8 таси фош этилди, қидирувдаги 56 киши ушланди. Ички ишлар органлари ҳисобида турган, оилавий муносабатлар доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга мураббий ва психологлар бириктирилди. Узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилди, пробация назоратида турган 172 кишининг бандлиги таъминланди, тузалиш йўлига ўтган 81 нафари шартли равишда озод этилди.

Янгиер шаҳри, Сирдарё, Ховос ва Мирзаобод туманлари аҳолиси ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Аҳоли гавжум ҳудудларда 10 та мотопатруль йўналиши ташкил этилди.

Қилинган ишлар натижасида вилоятда 10 ой мобайнида умумий жиноятлар 21,5 фоиз камайишига эришилди. Бу борадаги тадбирлар давом эттирилмоқда.

Отабек КУЛДАШЕВ,
Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари



JINOYAT VA JAZO

КЎКНОРИ ЕТИШТИРГАН АЁЛ

Норгул Анорбоева (исм-шарифлар ўзгартирилган) нинг уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи билан алоҳида яшашади. Норгул ишсиз, уй бекаси.

У томорқасига сабзи экаётиб, унинг орасига «кўкнори» уруғларини ҳам қадади. Алоҳида парвариш қилинган экинлар тезда бўй кўрсатди.

Бу орада ИИБ ходимлари аёлнинг томорқасида тақиқланган ўсимлик етиштирилаётганидан хабар топишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан холислар иштирокида Норгулнинг ҳовлиси кўздан кечирилганда 11 туп кўкнори ўсимлиги ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинди.

Наркология экспертиза далолатномасига кўра, фуқаро Н.Анорбоева гиёҳвандликка чалинмаганлиги аниқланди.

Суд аёлга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймон эканлиги ва вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олди. Суд ҳукми билан Н.Анорбоевага тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартлига алмаштирилиб, 1 йил синов муддати берилди.

Элбек МАРДАНОВ,
Самарқанд транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси



JARAYON

ЯНГИ ТУМАННИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ

2019 йилнинг 20-21 август кунлари Ўзбекистон Президенти аҳоли билан мулоқот қилиш ва яшаш шароити билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга сафар қилган эди. Сафар давомида давлатимиз раҳбари чорвачиликка ихтисослашган Бўзатов туманини ташкил этиш таклифини билдирди ва бу ташаббус республика аҳолиси томонидан катта қувонч билан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгесининг қарори билан Кегайли тумани таркибидаги «Бўзатов» шаҳарча фуқаролар йиғини, «Қусканатов», «Еркиндаря», «Аспантай» овул фуқаролар йиғини ҳамда Чимбой тумани таркибидаги «Кўксув» овул фуқаролар йиғини ҳудудлари бирлаштирилиб, умумий майдони 2035,44 кв. км. бўлган Бўзатов тумани тузилди.

Бугунги кунга келиб ушбу туманда чорвачилик, балиқчилик, ғаллачилик ва бошқа йўналишларда 79 та фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиши назарда тутилган уч типдаги савдо мажмуаси, жами 1000 томошабинга мўлжалланган стадион, 800 ўринли амфитеатр, 300 нафар одам ишлайдиган тикувчилик фабрикаси ва бошқа кўплаб объектларнинг қурилиши давом этаяпти.

Янги туман ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг 7 ноябрь куни қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки қарорда Бўзатов, Мўйноқ, Тахтакўпир ва Қўнғирот туманларини чорвачиликка ихтисослаштириш, ушбу ҳудудларда чорвачилик комплексларини ишга тушириш, яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолининг гўшт ва сутга бўлган эҳтиёжини қондириш ва даромадини ошириш бош мақсад сифатида белгиланган.

Эндиликда ушбу туманларда чорва молларини саноат усулида, шунингдек, яйлов ва пичанзорларда боқиш, чорва учун озуқа ишлаб чиқариш, молхона ва бошқа иншоотлар қуриш учун ер участкалари танлов ва аукцион ўтказилмасдан комиссия тавсиясига асосан ажратиб берилади.

Шу билан бирга, қарорда Қорақалпоғистонда чорвачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларга «Халқ банки» томонидан 2019-2020 йилларда хорижий молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 75 миллион АҚШ доллари, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасининг 50 миллион АҚШ доллари, шунингдек, 2020 йилда ваколатли банклар томонидан «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 291,6 миллиард сўм, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида 75 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Қарорнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Нукус филиали ҳамда унинг қошида ветеринария техникуми ташкил этилиши белгиланган.

Икки дастур доирасида 366,6 миллиард сўм ажратилиши белгиланган.

Албатта, бу чоралар чорвачиликка ихтисослашган ҳудудлар билан бирга Бўзатов туманининг ҳам ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади. Энг асосийси, янги иш ўринлари яратилади.

Табиийки, қилинаётган ишлар ҳам ниятга яраша бўлмоғи лозим. Шу боис биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш, аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аникланган муаммоларни бартараф этишни мақсад қилганмиз.

Зулпикар ЕРЕЖЕПОВ,
Бўзатов тумани прокурори

Ўзбекистондан Японияга махсус малакали ишчиларни юбориш имконини берувчи ҳужжат имзоланди.

ҚОНУННИ БИЛГАН АЛДАНМАЙДИ

Сўнгги йилларда республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқаролар учун ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бир қатор имкониятлар яратилаяпти. Аммо айрим юртдошларимиз улардан тўғри фойдаланмасдан, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилишдан кўра ўз масаласини ноқонуний ҳал этиш йўлларини излаб, фирибгарлар алдовига учрамоқда ва оқибатда мулкларидан айрилиб қолмоқда.

Бош прокуратура томонидан ўтказилган таҳлил натижасига кўра 2019 йилнинг 10 ойида рўйхатга олинган жиноятларнинг 11,7 фоизини фирибгарлик жиноятлари ташкил этган.

Шунингдек, амалиётда фирибгарлик жиноятларининг қалбаки заргарлик буюмлари ёки мавжуд бўлмаган товарларни етказиб бериш, чорва ёки техникани сотиб бериш, банкдан кредит олишда ёрдам бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга боғлиқ масалаларни ҳал қилиб бериш каби важлар билан ҳам содир этилиши кузатилади.

Мазкур жиноят Тошкент шаҳрида кўпроқ қайд этилган бўлиб, ушбу ҳудудда фирибгарлик жами жиноятларнинг 16,6 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткич Фарғонада 13,4, Хоразмда 12,6, Бухоро ва Сурхондарёда 12,5, Қашқадарёда 12,1, Навоийда 11,2, Қорақалпоғистонда 11,1, Наманганда 10,9, Самаркандда 10,8 фоизга тенг.

Ачинарлиси, содир этилган фирибгарлик жиноятларининг барча важлари бўйича тартиб-таомиллар мавжуд бўлиб, аксар ҳолларда фуқаролар ушбу қоидаларни четлаб ўтишга ҳаракат қилган ва бунинг оқибатида жабрланувчиларга қарийб 207 млрд. сўмлик зарар етказилган.

Таҳлилларга кўра хорижга ишга юбориш, ер ажратишда ёрдам бериш, уй олди-сотдиси ёхуд ижараси, ишга жойлаштириш, назорат, текширув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларидаги «иш»ни ҳал қилиб бериш билан боғлиқ фирибгарлик жиноятларининг йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда.


Фирибгарларнинг тузоғига тушмасликнинг энг мақбул воситаси келишувни нотариал тасдиқлаш амалиётидир. Бироқ тарафлар бож тўламаслик мақсадида оғзаки келишув ёки хонаки битим (кўпинча фуқаролик паспорти нусхасининг орқа тарафига тилхат ёзиб бериш) эвазига моддий бойликларини фирибгарларнинг қўлига тутқазмоқдалар.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 123-қарори билан нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божларини ҳисоблаш тизими соддалаштирилиб, бир қанча енгилликлар яратилди. Уй ёки бинолар олди-сотдиси ва ижарасини расмийлаштириш енгиллаштирилди, нотариал харажатлар камайтирилди, гаровнинг нотариал тартиби бекор қилинди.

Қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож шартнома суммасидан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизидан 100 фоизигача миқдорда белгиланди, шунингдек нотариал шартномаларнинг бошқа турлари учун ҳам божлар камайтирилди.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида автомашина олди-сотдиси, ҳадя ва айирбошлаш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож автомашинанинг ишлаб чиқарилган жойидан қатъи назар, бир хил қилиб белгиланди ва унинг миқдори ўртача 2-5 баробар арзонлашди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра 2019 йил 1 октябрдан



транспорт эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полисида кўрсатилган яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспортдан фойдаланиш ва уни бошқариш тўғрисидаги ишончномани нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинди.

Ушбу фармонда 2020 йил 1 январдан юридик шахсларнинг, хусусан банк ва бошқа кредит ташкилотларининг корхонани ижара ва текин фойдаланишга бериш ҳамда бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспортларни олишда ипотека, гаров ва лизинг шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилиниши назарда тутилган.

Бундан келиб чиқадики, тавакқал билан боғлиқ ҳар қандай келишув юзасидан шартнома расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Шартнома расмийлаштирмаслик (уни рўйхатдан ўтказмаслик), келишувни оғзаки шаклда ёки хонаки битимлар асосида амалга ошириш фуқароларнинг фирибгарлик қурбони бўлиш эҳтимолини кўпайтиради.

Аввал шаффоф бўлмаган олди-сотди масалалари бугунги кунда оммавий аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2018 йил 1 июлдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш «E-ijro auksion» ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилиши белгиланди.

Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш эса Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиш, хорижда ишга жойлаштириш учун хусусий бандлик агентликларини ташкил этиш, давлат идораларига ишга кириш жараёнини шаффофлаштириш, бу борада оммавий ахборот воситаларида реклама бериш ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда ишга жойлашиш масаласида ариза билан мурожаат қилиш ўрнига, аввал бу масалани «ҳал қиладиган одам» топиш ва унга пул таклиф қилиш иллати авж олган. Аксар ҳолларда жабрланувчилар ишга жойлашмоқчи бўлган ташкилотга ўз масаласи бўйича ҳатто ариза ҳам бермаган бўлади. Қайд қилинган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда ҳар бир идоранинг ўз сайти ва виртуал қабулхонаси яратилган.

Таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш ва бу борадаги найрангларга барҳам бериш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Олий ўқув юртлари сони, улардаги қабул квоталари кўпайтирилди, хорижий университетларнинг филиаллари очилди, кириш имтиҳонлари шаффофлаштирилди, уларни реал вақтда интернет орқали намойиш этиш тизими жорий этилди. Юқори қийматли шартнома тўловлари эвазига қўшимча квоталар асосида ўқишга қабул қилиш имконияти яратилди.

Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига болани жойлаштириш учун навбат олиш масаласи Давлат хизматлари марказлари томонидан электрон равишда ҳал этилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ошкоралиги таъминланди, уларнинг расмий сайтлари ва электрон каналлари, мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш тизими яратилди.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маҳалла жамоаси, прокурор ва ички ишлар органи раҳбарининг маҳаллий кенгаш олдида ҳисобдорлиги жорий этилди.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чораларни амалга ошириш, коррупция учун жавобгарликнинг мукаррарлиги принципини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди.

Пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларига қарши курашни янада кучайтириш ҳамда пора олган, пора берган ва ўртада воситачилик қилган шахсларни мутаносиб жавобгарликка тортиш мақсадида ушбу жиноятлар учун жазолар тури ва меъёри бирхиллаштирилди.

Узоқ йиллар давомида жамғарилган ёки меҳнат билан топилган маблағни ёлғон воситасида ўзлаштирган шахсларга нисбатан ҳар қандай одамда нафрат уйғониши тайин.

Фирибгарларга алданиб қолишни ёқтирмас эканмиз, демак муайян масаламиз бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни билишимиз, белгиланган қоидаларга риоя этишимиз, пул олди-берди қилаётган иккинчи тараф ҳақида маълумотга эга бўлишимиз, ноқонуний таклифларга учмаслигимиз, ўз ҳуқуқларимиз учун қатъият билан курашишимиз, лўнда қилиб айтганда, фирибгарликнинг олдини олишни ўзимиздан бошлашимиз лозим.

Латифжон ҚАЛАНДАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

2020 йил 1 мартдан бошлаб аввал фойдаланилган индукцион печ ва камераларни олиб кириш тақиқланади.

ЭРКИНЛИКНИНГ БУЮК ХАРТИЯСИ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бугунги кунга келиб жаҳоннинг 360 дан ортиқ тилига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Унда мустаҳкамлаб қўйилган тамойиллар 90 дан ортиқ давлатнинг конституциясида ўз аксини топган. Декларациянинг ҳаммуаллифларидан бири Э.Рузвельт уни "Бутун инсониятнинг буюк эркинликлар хартияси" деб атаган эди.

Декларация 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг учинчи сессиясида қабул қилинган бўлса, 1950 йилда бу кун БМТ томонидан "Инсон ҳуқуқлари куни" деб эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳужжат билан юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Шу тариқа ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилади.

Декларациянинг 1-моддасида "Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар" деб белгиланган бўлса, 2-моддасида "Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлиши зарур" дейилган.

Декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Декларациянинг 3-моддасида "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир" дейилган бўлса, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси 1-бандида "Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди" деб белгилаб қўйилган. Бу қоидалар Ўзбекистон Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган, унда жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик ғояларига таянилган. Конституциямизнинг 24-моддасига "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" дея киритилган бўлса, 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» дейилган.

Жамиятимизда демократия ва инсон ҳуқуқлари нафақат қонунлар, балки халқимизнинг ўзлигини англаши, унинг асрлар оша тўплаган бой ахлоқий тажрибаси билан янада мустаҳкамланган. Аниқроқ айтганда, инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш ва шахсни ҳурматлаш тушунчалари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.

Декларация қабул қилинган сана «Инсон ҳуқуқлари куни» деб эълон қилинган.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўз ҳуқуқларимизни тўлиқ билишимиз муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ўз ҳуқуқини биладиган ва уни талаб қиладиган ҳар қандай кишига кўмаклашиш, унинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш енгил кечади. Бу борада инсон ҳуқуқлари таълими ўта муҳим омилдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим бериш тизими ташкил этилган. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ноҳукумат тизими ҳам жорий қилинган. Республикамизда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида болалар, ёшлар, аёллар, ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам бор.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги барча ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти инсонни улуғлашга, унинг қадр-қимматини оширишга ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан қимматлидир.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тамойилларига содиқлигини тарихий аҳамиятга эга ишлари билан исботламоқда. Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли кучайтирилди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони асосида ўтган йили бир қатор ишлар қилинди. Бу йил ҳам Инсон ҳуқуқлари куни муносиб нишонланди.

Шерали АШИРОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

ЮРСАНГ САЁҚ...

Бугун ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Минг афсуслар бўлсинки, ёшларимиз орасида айрим «тўқликка шўхлик» қилиб юрганларнинг жиноятга қўл уриш ҳолатлари кишини ташвишга солмай қўймайди.



Гап шундаки, ўтган йил ички ишлар бўлими ходимлари томонидан 2016-2017 йиллар давомида жами 13 та ҳолатда ўғирлик жиноятини амалга оширган шахсларнинг жинояти фош этилди. Ачинарлиси шундаки, такрор ва такрор жиноят содир қилавериб, «боши берк кўчага» кириб қолганларнинг учаласи ҳам шу пайтлар коллеж ўқувчилари эди.

Табиийки, кези келганда бир савол туғилади, уларни бир эмас, бир неча маротаба жиноят содир этишга нима мажбур қилган? Келинг, эътиборимизни жиноят тафсилотларига қаратамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги туманлардан бирида яшовчи С.Акипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2016 йилнинг ёз ойларида туман савдо мажмуаси масъулияти чекланган жамияти ҳудудидаги сартарошхоналарнинг бирида вақтинча ишлаб юради. Кунлардан бир кун у сартарошхонада ўзи билан бир коллежда ўқийдиган таниши А.Дурдиев билан суҳбатлашиб ўтириб, гап орасида, отвёртка ёрдамида акфа эшикларини очиш мумкинлигини айтади ва уни ишонтириш мақсадида кўрсатиб ҳам беради. Ўртоғининг бундай «ҳунари» борлигига гувоҳ бўлган А.Дурдиев бироздан сўнг С.Акиповга танишларидан қарз бўлиб қолганини, шу қарзларни қайтариш учун бозордаги дўконларнинг эшикларини отвёртка ёрдамида очиб, пул ўғирлашни таклиф қилади. Шундан кейин улар жиноий тил бириктирган ҳолда, кечаси туман савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган фуқаро Ф.Ахмедовага тегишли дўкон эшигини отвёртка ёрдамида бузиб очиб, дўкондан 200 минг сўм пулни ўғирлайди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, С.Акипов ва А.Дурдиев ўзларига яна бир вояга етмаган шахс А.Холбаевни ҳам шерик қилиб, навбатдаги ўғирлик режасини тузади. Бу сафар олдиндан келишилган жиноий режага кўра, фуқаро Ш.Жуманиязовга тегишли заргарлик устахонаси эшиги қулфини бузиб очиб, у ердан 3 млн. 370 минг сўмлик турли кўринишдаги тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетади. Улар атрофдагиларда гумон туғдирмаслик мақсадида қинғир йўллар билан қўлга киритган мол-мулкларини қўшни Хоразм вилоятига олиб бориб нотаниш шахсларга сотишади ва пулларини кўнгилочар жойларга сарфлашади.

Орадан ўн кун ўтганидан кейин жиноий гуруҳ навбатдаги ўғирликни амалга оширади. Улар энди савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган якка тадбиркор Б.Мамбетовга тегишли дўконнинг темир панжараси қулфини бузиб кириб, дўкондан 2 млн. 700 минг сўм пулни ўғирлайди. Бир ой ўтганидан кейин эса якка тадбиркор Х.Атажоновга тегишли дўкондан 8 млн. 500 минг сўм пулни ўғирлаб кетади. Бу уч нафар коллеж ўқувчиси томонидан амалга оширилган тўртинчи жиноят эди.

Афсуски, жиноий гуруҳ аъзолари ўзларининг жиноий ҳаракатлари тегишли идоралар томонидан ҳалигача фош этилмаганидан фойдалангани ҳолда «мўмай даромад» илинжида яна ва яна жиноят содир этаверган. Оқибатда улар ўзларининг эски усулларидан фойдаланган ҳолда бир нечта фуқарога тегишли ўнлаб дўконлардан миллион-миллион сўм пул ва бошқа мол-мулкларни ўғирлаб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Жиноий гуруҳ аъзоларининг қилмишлари вақти келиб фош этилди ва суд томонидан уларга нисбатан қонуний жазо чоралари белгиланди. Фуқароларга етказилган моддий зарар эса уларнинг ота-оналари ва яқинларидан ундириб олинди.

Тўғри, жиноятчилар қўлга олинди, қилмишлари учун қонун олдида жавоб ҳам берди. Аммо воқеанинг кишини афсуслантирадиган томони шундаки, наҳотки ҳали балоғат ёшига етмаган коллеж ўқувчиларининг юриш-туришида содир бўлаётган ўзгаришларга на ота-она, на коллеж ўқитувчилари, қўни-қўшни ва атрофдаги ёшлар тарбиясига масъул бошқа шахслар бефарқ бўлган бўлса.

Биз ким бўлишимиздан қатъи назар, вояга етмаганлар тарбиясидек ўта масъулиятли вазифадан ўзимизни олиб қочмасдан, бу масалага бўлган муносабатимизни замон талабига мос равишда ўзгартирсак, ўйлаймизки, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Huquq»

Президент 2019 йил 16 декабрь куни «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Ҳар бир бола қалбида, вужудида орзуларимиз, умидларимиз камол топади. Уларнинг қувончи умримизни безайди, оламни шодликка тўлдиради. Ҳаёт бардавомлиги, миллат истиқболи фарзандларимизни қандай тарбиялашимизга боғлиқ.

БОЛАНИ АСРАШ КЕЛАЖАКНИ АСРАШДИР

Наманган вилояти прокуратураси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази билан ҳамкорликда вилоятдаги мактабларда ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Наманган шаҳри ва туманларидаги аксарият мактабларда мутасаддилар томонидан сайёр қабуллар ташкил этилди.

Аввало, таъкидлаш жоизки, «Вояга етмаган ўқувчи-ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари учун тренерлар тайёрлаш» дастури доирасида Наманган давлат университети ўқитувчилари ҳамда Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис

«Ишонч телефони»га қилинган 31 та мурожаат психологик танглик ҳолатига тушиб қолган ўқувчиларга тааллуқли.

маркази мутахассислари томонидан Наманган шаҳри ва барча туманлардан 63 нафар амалиётчи-психологни жалб этган ҳолда 9-15 апрель кунлари 36 соатлик махсус ўқув курслари ташкил этилган эди. «Аниқ вазиятларни таҳлил қилиш», «Муаммоли вазиятлар», «Стресс профилактикаси», «Ота-оналарга тавсиялар бериш, фарзанд тарбияси ва одоби» каби мавзуларда семинар ва тренинглар ўтказилди. Уларда Республика ташхис маркази мутахассислари билан бирга умумтаълим мактабларидан саралаб олинган малакали психологлар, вилоят прокуратураси органлари терговчилари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича прокурор ёрдамчилари иштирок этди. Тренингларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари муҳофазаси, таълим-тарбияси, умуман, ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш масалалари қамраб олинди.

Шу асосда вояга етмаганнинг маънавий камолоти борасида қилинаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Биргина Наманган шаҳри мисолида фикр юритадиган бўлсак, шаҳардаги таълим муассасаларида 122 818 нафар ўқувчи таълим олади. Шаҳар халқ таълими бўлимида фаолият олиб бораётган ўқувчи-ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказида ташкил этилган «Ишонч телефони»га шу йилнинг 4 апрелидан 15 октябригача жами 255 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 215 таси марказ фаолияти билан танишишга оид бўлса, 31 та мурожаат психологик танглик ҳолатига тушиб қолган ўқувчиларга тааллуқли. 9 киши бевосита марказга келиб мурожаат қилган. 1 ноябргача мурожаатлар сони 289 тага етди.

Ушбу рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳардаги барча ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари марказ фаолияти ҳақида яхши билади. Чунки ҳар бир ўқувчининг кундалик дафтарига марказнинг «Ишонч телефони» рақами ташриф қоғози шаклида ёпиштирилган бўлиб, уларга марказнинг мақсад ва вазифалари батафсил тушунтирилган.

Вилоят прокуратураси, халқ таълими бошқармаси мутасаддилари ва вакиллари 30-31 октябрь кунлари аксарият шаҳар ва туманлардаги мактабларда сайёр қабуллар ташкил этди. Уларда вилоят прокурори Акмалхўжа Мавлонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ваҳобжон Ражапов иштирок этиб, марказлар фаолиятини намунали ташкил этиш бўйича йўл-йўриқ беришди. Ўқувчилар билан яқиндан мулоқот қилиб, уларнинг орзулари, интилишлари ҳақида суҳбатлашдилар.

Чортоқ туманидаги 9, Наманган шаҳридаги 3 ҳамда 52-мактаблар, Поп туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактабда ҳам шундай сайёр қабул ва учрашувлар ташкил этилди. Уларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маънавий камолотга чорловчи «Назорат вақти» номли видеофильм намойиш этилди. Тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилар якка тартибда таълим олаётган 10-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Машҳура Қодиралиеванинг хонадонида ҳам бўлишди. У ерда туман «Баркамол авлод» болалар маркази кўғирчоқ театрининг қатнашчилари саҳналаштирган томоша намойиш этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Машҳура Қодиралиева болаликдан расм чизишга қизиқади. Изланувчан ўқувчига вилоят прокуратураси томонидан компьютер жамланмаси, китоблар тўплами ҳамда шахмат ва шашка туҳфа этилди.

Ҳар бир бола бир ниҳол, улардан умидимиз катта. Уларнинг баравж униб-ўсиши, камол топиши ўзимизга боғлиқ. Демак, уларга кўрсатадиган ғамхўрлигимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Сардор НИШОНОВ,
Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Давлатчилик тарихи шундан далолат беради, мамлакат тараққиётида давлат бошқаруви ва ҳокимияти идораларининг фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий мулоқотга киришиши ва ушбу жараёнда халқ фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилиниши чинакам демократик ҳокимиятнинг асосини ташкил қилади. Шу боис буюк салтанат соҳиби бўлган бобокалонларимиз давлат бошқарувини демократик асосда ташкил этишга тараққиётнинг барқарор кафолати сифатида қараганлар.

Буюк аждодимиз Амир Темурнинг «Тузуклар» асарида бўлғуси давлат бошқарувчиларига раият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш, ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг одатларидан воқиф бўлиб туриш мамлакатни қўлда тутиш ва салтанатни бошқаришнинг асосларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда ҳам давлат сиёсатини давлат хизматчилари ташкил этадиган бошқарув аппарати амалга ошираётгани боис давлат хизмати институтини тўғри шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда давлат хизматининг ҳуқуқий асослари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар малакасини ошириб бориш талаб этилади. Бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат хизматини ташкил этишда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги энг асосий мезон бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони давлат хизматини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди десак, муболағa бўлмайди.

Фармон билан касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди, у давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъулдир. Шунингдек, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунни, Давлат фуқаролик хизматини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

Таҳлил қилинган нормалар асосида давлат хизматининг ислоҳ қилиниши давлат идоралари фаолиятининг шаффофлигини, мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш билан бирга барқарор тараққиётга эришишда давлат хизмати самарадорлигини ошириб боришни кўзда тутади.

Азаматжон МАМАТҚУЛОВ,
Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

ЁНМАЙ ҲАВОГА УЧГАН ЁНИЛҒИ

"Қарши нефть базаси" МЧЖ Ғузор филиали 5-фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаси бош оператори вазифасида ишлаган Б.Қ. филиал мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, талон-торожликка йўл қўйган.

Хусусан, у ёнилғи ва ёнилғи-мойлаш материаллари фермер хўжаликларига берилганлиги ҳақида фермерлар номидан тилхат ёзиб, юк хатлари ва тарқатиш қайдномаларидаги имзоларни қалбакилаштириш йўли билан 3 турдаги, умумий миқдори 31 528 литр бўлган 152 млн. 55 минг 577 сўмлик маҳсулотни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Департаментнинг Ғузор тумани филиали томонидан тадбиркорлик фаолияти ҳимояси юзасидан тумандаги "Н.Т." фермер хўжалиги раҳбари Т.С.нинг мурожаати бўйича ўтказилган терговга қадар текширишда бош операторнинг бу қилмиши ошкор бўлиб қолди.

Ёнмай ҳавога учган ёнилғининг ҳисобини у суд олдида беришига тўғри келди. Бош операторга суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо тайинланди.

Тулкин КУРБАНОВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Мактабларда 4 та фанни бирлаштирган ҳолда ягона «Тарбия» фани жорий этилиши мумкин.

ҲАРБИЙ ШАҲАРЧАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ИМКОНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси органлари томонидан давлат раҳбарининг бешта муҳим ташаббуси доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар қилинмоқда. Бу борада асосий эътибор янги иш ўринларини яратиш, назоратдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришга қаратилаяпти.

Давлатимиз раҳбарининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусига асосан 2019 йилнинг ўтган даврида ҳарбий шаҳарчаларда 16 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 267 та иш ўрни яратилган ҳамда уларнинг 145 тасига ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган оила аъзолари жойлаштирилган.

Жумладан, Андижон ҳарбий прокуратураси ва вилоят ҳарбий-маъмурий сектори ҳамкорлигида ҳарбий шаҳарча ҳудудидан 1 гектар ер ажратилиб, 7 млрд. 650 млн. сўмга (4 млрд. сўми тадбиркор ҳисобидан, 3 млрд. 650 млн. сўми «Буюк ипак йўли» банкининг имтиёзли кредити асосида) «Ал-Ҳаким» МЧЖга қарашли тикувчилик цехи ташкил этилди. Натижада 150 та иш ўрни яратилиб, маҳаллий аҳоли билан бирга ҳарбий хизматчиларнинг 37 нафар оила аъзоси доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, Самарқанд ҳарбий прокуратураси томонидан Самарқанд шаҳридаги ҳарбий шаҳарчада фуқаро Л.Раббимовага тикув цехи очиши учун бўш бино ажратилиб, таъмирлаб берилди. «Халқ банки»нинг Челак тумани филиалидан 150 миллион сўм имтиёзли кредит олишида ёрдам кўрсатилди. Натижада Л.Раббимова «Ёш чеварлар» МЧЖни ташкил қилиб, 12 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзосини ишга олди.

Гулистон ҳарбий прокуратурасининг ташаббуси билан «Халқ банки» Сирдарё тумани филиали томонидан ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи З.Саъдуллаевга нон цехини ташкил этиш мақсадида 60 млн. сўм, ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи М.Умаровага иссиқхона

Ҳарбий шаҳарчаларда 16 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди.


ташкил этиш учун 20 млн. сўм, ҳарбий хизматчи У.Имомалиевнинг турмуш ўртоғи Н.Имомалиевага иссиқхона ташкил этиш мақсадида 20 млн. сўм кредит ажратилди. Шу тариқа 11 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари иш билан таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан 2019 йилнинг август-ноябрь ойларида ҳарбий шаҳарчаларда 5 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилган.

Бундан ташқари, Урганч ҳарбий прокуратураси Шовот тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳарбий қисм хизматчисининг турмуш ўртоғи Ш.Нарзуллаевага «Шоҳизамин Ҳаёт» оилавий корхонасини ташкил этишда, корхонага «Қиёт» ҚФЙ ҳудудидан 2 гектар ер ажратилишида ҳамда парранда етиштиришни бошлаши учун «Микрокредитбанк»нинг Хоразм вилояти филиалидан 200 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилишида ёрдам кўрсатди. Мазкур корхона 2019 йил ноябрь ойида фаолиятини бошлаб, 5 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзоси иш билан таъминланди.

Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Шуҳрат ЗОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси



ҚИЗАЛОҚ КЎЗ ЎНГИДАГИ ЖИНОЯТ

Қайнона ва келин можароси ҳеч кимга янгилик эмас. Ўзаро айбловлар, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш мумкинлигини ҳам ҳаммамиз биламиз. Аммо пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги оилалардан биридаги низо пичоқбозлик билан тугади.

Аслида жанжал ҳамма оилада бўлиб туради. Бу оилада ҳам эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик кун келиб барҳам топиши мумкин эди, агар ўртага ука аралашиб, жиноятга қўл урмаганида...

Эрнинг сўзларига кўра оилада тез-тез жанжал бўлиб турган. Аёли ўзининг гапини маъқуллайдиганлардан бўлган. Қайнона-қайнотадан алоҳида яшаш учун курашиб келган. Кўчини кўтариб, ота-онасиникига кетиб қолар, оила йиллар мобайнида бирга яшамаган экан.

Жиноят содир этилишидан олдинроқ оила тикланиб, алоҳида хонадонда ҳаёт кечира бошлайди. Аммо эски гиналардан аламзада қайнука янгасининг жонига қасд қилиб, шундоқ ҳам дарз кетган оилани бутунлай вайрон қилди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида 20 ёшли Шокир Илёсов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввалдан режалаштирган мақсадини амалга ошириш учун кечки соат саккизларда акасининг уйига келади. Бахтга қарши шу куни акасининг ишхонасидан қўнғироқ бўлиб, уни хизматга чақириб қолишади. Шундан сўнг ҳомиладор Манзура Илёсова тўрт яшар қизи Мухлиса билан уйда ёлғиз қолади. Акасининг кетиши Ш.Илёсов учун айни муддао бўлди.

Акаси кетгандан сўнг Шокир янгасига уларникида тунаб қолишини айтади. Вақт алламаҳал бўлганда йигит телевизор ишламаётганини баҳона қилиб, янгасини ёнига чақиради. У келгач қайнука ҳеч нимадан хабари йўқ янгасига пичоқ ура бошлайди. Жонҳолатда ошхонага қочиб чиқса ҳам ортидан қувиб етиб, яна пичоқлашда давом этади. Қисқа вақт ичида Ш.Илёсов янгасига 16 марта пичоқ уради. Манзура эса ошхона эшигини қўли билан ёпиб олади. Жароҳатлардан оқаётган қон уни тобора ҳолсизлантирарди. Буни сезган Ш.Илёсов янгасининг жон таслим қилишини роса ярим соат кутади ва ҳушини йўқотгачгина уйдан чиқиб кетади... Афсусланарлиси, бу даҳшатли воқеа тўрт яшар қизалоқнинг кўз ўнгида содир этилади.

Яхшиямки, шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан аёл ва унинг ҳомиласи сақлаб қолинди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди биносида жиноятчига ҳукм ўқилди. Юртимиздаги нуфузли олий ўқув юртларидан бирида таълим олаётган Ш.Илёсов 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, меҳр-оқибат, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш, айниқса, аёлларни асраб-авайлаш миллатимизга хос қадриятлардан ҳисобланади. Бироқ, минг афсуски, йиллар чиғириғидан ўтиб бизгача етиб келган айрим анъаналар эсдан чиқарилгандек, назаримизда. Акс ҳолда, арзимас гап-сўзларни пеш қилиб, ҳимоясиз аёлга қўл кўтариш, жонига қасд қилиш эркак кишининг ишими?

Мақолани ёзишдан мақсадимиз кимнингдир фожиасини элга достон қилиш эмас, балки битта оиланинг барбод бўлиши ҳам жамият учун катта йўқотиш эканини таъкидлашдир.

Лазиз НЕЪМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

21 декабрь куни Ўзбекистондаги энг йирик туристик объектлардан бири – «Amirsoy» тоғ-чанғи курорти очилади.

АХЛОҚСИЗЛИКДАН ЖИНОЯТГАЧА...

Одатга кўра марҳум ҳақида ноўрин фикрлар айтилмайди. Суд мажлисида яқинлари, қўни-қўшнилар марҳум – 28 ёшга кирган бева аёл ҳалол бўлганини, ножўя қадам босганини билмасликларини таъкидлашади. Бироқ мудҳиш воқеанинг билвосита сабаблари ахлоқсизликка бориб тақалиши маълум болди.

Яшарбек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўшни қишлоқлик қизга уйланади. Икки фарзандли бўлишади. Беш йил аввал Яшарбек синфдоши Восиқжонга «келинойингнинг сонида жароҳати бор экан-а» дейди. Восиқжон унинг ёқасидан олади. Яшарбек фалончи айтди деб ҳовуридан туширади. Укасининг гапи ғазабини қўзғаган Воқифжон хотинини уриб ҳайдайди. Маҳрамой ўғилчаси билан ота ҳовлисига қайтиб боради. Воқифжон у билан ажрашиб, иккинчи марта уйланади. Эр-хотиннинг ажралишига сабабчи бўлиб қолган Яшарбек ишлагани хорижга жўнайди. Қишлоққа қайтиб, бир-икки ой юриб, яна хорижга кетаверади. Йиллар ўтиб, синфдоши, унинг акаси билан совуқчилик орадан кўтарилади. Вақти-вақти билан улфатчилик қилиб туришади.

Яшарбек кўпинча уйдан эрталаб чиқиб кетганича ярим тунда қайтади. Ҳалимахон фермер хўжалигида ишлайди. Эрининг юриш-туриши кўнглини ғаш қилади. Бир-икки «гапчи» дугоналари Яшарбек бошқа биттаси билан дон олишаётган экан деб айтишади. Ҳалимахон «кундоши» кимлигини фаҳмлаганида ҳам болаларини ўйлаб, эрининг бева аёл билан яширинча ишрат қилиб юрганини билиб билмаганга олади. Галдаги пинҳона учрашувда Маҳрамой йигитни пичоқсиз сўяди.

– Сиз туфайли эримдан ажрашганман, – дейди. – Энди айбингизни ювасиз. Шундай қилингки, Воқиф ака хотинини қўйиб юборсин. Қайта унга турмушга чиқишимга йўл очилсин.

– Эсинг жойидами, бўлмағур гапни каллангдан чиқар, – Яшарбек уни силтаб ташлайди.

– Айтганимни қиласиз. Қилмасангиз ўзингизга қийин бўлади.

– Бекорларни айтибсан. Қўлингдан нима келарди?

– Кўрасиз-да...

Яшарбек ўзини ўзи шармисор қилармиди дея бемалол юраверади. Маҳрамой унинг рақамига тўхтовсиз қўнғироқ қилиб, «дил изҳори» хабарларини юбораверади. Холи кўришганларида Яшарбек бошқа қўнғироқ қилмаслигини талаб қилади. «Айтганимга кўнмасангиз, оилангизни бузиб юбораман» дея Маҳрамой билганидан қолмайди. Яшарбекнинг уйида тинчи йўқолади. Ҳалимахон болаларини олиб отасиникига кетиб қолади. Яшарбекнинг пайтавасига қурт тушади. Бевадан қутулиш чораларини ўйлаб, бир қарорга келади.

Маҳрамойнинг отаси далада ётиб деҳқончилик қилар эди. Куз куни кечки пайт аммаси турмуш ўртоғи билан меҳмонга келганида отаси уйда эмас эди. Меҳмонлар кетганидан кейин акаси Оқилжон ўзининг хонасига кириб ёнбошлаб телевизор кўради. Онаси ухлагани ётади. Маҳрамой ўзининг хонасига кириб боласини ухлатади. Сўнг телефонда гаплашиб ўтиради. Меҳмонхонада ўтиришганида унинг хонасига пусиб кириб сандиқ билан диван оралиғида яшириниб олган Яшарбек хонадондагиларнинг уйқуга кетишини кутади. Маҳрамой ухлагани ётганида тепасига бостириб боради. Аёл қичқириб ўрнидан туриб кетганида қорнига уйидан олиб келган пичоқни тиқади. Синглисининг бақирганини эшитиб югуриб чиққан Оқилжон очиқ деразада қўланканинг қўйлагидан тутиб ортидан кўчага думалаб тушади. Яшарбек унга ҳам пичоқ санчиб, тун қаърига шўнғийди. Уйига келиб пичоқни томорқага ирғитади. Синфдоши Воситга қўнғироқ қилиб, ичишга бирон нарсанг борми деб сўрайди.



Шовқин-суронни эшитиб хонага кирган онасига ерда ётган Маҳрамой акамга қаранг дейди. Онахон деразадан кўчага тушади. Оқилжон синглисига «тез ёрдам» чақиришни тайинлайди. «Тез ёрдам» келгунига қадар қўшнининг машинасида Маҳрамойни туман шифохонасига етказиб боришади. У тун ярмида, касалхонада ўзига келмай жон беради. Етиб келган шифокорлар енгил жароҳат олган Оқилжонни касалхонага элтади. «Тез ёрдам» билан баравар етиб келган ИИБ ходимлари сўраб-суриштириб жиноятни ким содир этганини аниқлашади. Дастлабки терговда Яшарбек Остонов айбига иқрор бўлади.

Тубанликка юз тутиб, бировнинг оиласи бузилишига сабабчи бўлган, сўнг эридан ажрашган аёл билан пинҳона ишқий муносабатлари ошкор бўлиши, ўзининг оиласи ҳам дарз кетишига кўзи етгач, маъшуқасини ўлдиргани инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланган қотил 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жасурбек ДОЛИМОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим прокурори



«ШУМ БОЛА» «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Ўтган йили пахта терими маҳали эди. Жўрабек кўнгил қўйган қизи Замира билан телефонлашиб, унинг теримга кетганини эшитди. Суриштириб, у жойлашган шийпонни излаб борди.

Оқшом тушиб қолган, пахтани тарозида тортиш якунланаётган паллада машинасини дала четида тўхтатиб, Замирага қўнғироқ қилиб, келганини айтди. Қиз ҳам ҳаяллamади. Машинада уларнинг суҳбати узоқ чўзилди...

Бир пайт машина ойнасидан кимдир уларга фонарь тутди. Жўрабекнинг кўзлари қамашиб кетди. Кимдир "Қани, машинадан туш" деб бақирди. Кейин телефонида машинадагиларни тасвирга ола бошлади. Жўрабек вазият чатоқлигини ҳис этиб, машинани қулфлаб олди.

– Қиз билан учрашувга келган, тегма, кетдик, – деди бақирганнинг ёнидаги шериги.

– Сенинг ишинг бўлмасин, бор, жўна, – дея фонарь кўтаргани уни ҳайдаб юборди. Кейин машинани тепиб, яна таҳдидга ўтди: – Қани, тушинглар деяпман, ҳозир ойнани синдириб ташлайман...

– Нима гап? Тушмайман, нима ишинг бор? – деди Жўрабек. Қиз эса машинанинг бир четида индамай ўтирарди.

Йигит энди машина рақамини тасвирга олди-да, тиржайди:

– Мана бу машинада келиб, бузуқчилик қилаяпти деб интернетда тарқатиб юбораман, қизинг билан бирга шарманда бўласан...

Жўрабек машинадан тушиб йигитнинг олдига борди. Ундан кимлигини, нега ўзидан-ўзи дағдаға қилаётганини сўради. Йигит ўзини Эргаш деб таништирди, шу далада ишлашини айтди. Сўнг яна пўписага ўтди:

– Сенлар даламизни ҳаром қилаяпсанлар...

– Бу нима деганинг? – йигитнинг сурбетлигидан Жўрабекнинг жаҳли чиқиб кетди. – Бу менинг унаштирилган қизим. Бир-биримизга кўнгил қўйганмиз. Тинчгина гаплашиб ўтирибмиз. Ҳеч кимга халақит бераётганимиз йўқ.

Эргаш баттар авжига чиқди:

– Ҳозир участковойни чақириб, бериб юбораман иккалангни...

Охири машинадан Замира ҳам тушиб келди:

– Нима дейсиз? Биз унаштирилганмиз. Гаплашиб ўтирибмиз...

Жўрабек уни тинчлантириб, шийпонга жўнатиб юборди. Сўнг Эргашни инсофга чақирди:

– Бу ишларингиз яхши эмас, видеони тарқатманг, шарманда қилманг бизни, севган ва уйланадиган қизим билан учрашгани келганман деяпман сизга...

Шундай деб «Nexia»сига минаётганида Эргаш унга «Кўчадан чиқиб кетмоқчи бўлсанг, мени ҳам ташлаб кет» деб, машинага ўтириб олди. Йўл-йўлакай қўл телефонидан бир кишига телефон қилиб, деди:

– Далада бир йигит билан қизни ушлаб олдим, келинг...

– Кимни чақираяпсиз? – деди Жўрабек яна хавотири ошиб.

– Участковойни чақирдим, гапинг борми? – яна овозини баланд кўтарди Эргаш. – Видеоларни унга бераман...

Шу вақт «Жигули»да бир киши келиб, уларнинг ёнида тўхтади. У Эргашнинг акаси экан, илдам келиб, Жўрабекни машинасидан судраб туширди. «Сенга бу ер наҳсхонами?» деб юзига бир мушт урди.

Эргаш уларни ажратиб қўйиб акасига кетаверишини, ишни ўзи ҳал қилишини айтди. Сўнг «Nexia»нинг орқа ўриндиғига ўтириб, юзини чангаллаб ўтирган Жўрабекка деди:

– Агар юз доллар берсанг, видеоларингни ҳеч кимга тарқатмайман, интернетга чиқармайман, ўчириб ташлайман...

Жўрабекнинг рози бўлмасдан иложи қолмади. Фақат ёнида пули йўқлигини, эртага олиб келиб беришини айтди. Эргаш гаровга бирон нарса ташлаб кетишини сўрагач, телефонини берди.

Жўрабек пул топа олмади. Эргашга қўнғироқ қилиб, вазиятини тушунтирмоқчи бўлди. Ўзи 900 минг сўм маош олишини, оилавий шароити оғирлигини айтди. Аммо Эргаш таҳдидда давом этди. Сўнг ўзича унга шафқат қилган бўлиб, 600 минг сўм олиб келишни буюрди. Жўрабек унга пулни келтириб берди. Эргаш унга телефонини қайтариб, ўзининг телефонидаги тасвирларни ўчириб ташлаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судининг сайёр суд мажлисида Эргаш Шокировнинг мазкур жиноятига қонуний баҳо берилди. Суд ҳукми билан унга 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

«Шум бола»нинг ўчоқбошидаги ҳангомаси ёдингиздами? «Пулдан чўзинг, мулла ака», – дейди у ноқулай вазиятда «қўлга тушган» нотаниш кишига. Аммо «Шум бола»нинг қилиғи бизнинг қаҳрамонимизга анча қимматга тушди...

Бегзод ХЎЖАЕВ,
Нишон тумани прокурорининг ёрдамчиси

2020 йил 1 апрелдан бошлаб шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этилади.

FAOLIYATIDAN

Мансаб суиистеъмоли давлат ғазнасига зарар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш, водопровод ва канализация тармоқларига, сув қувурларига ноқонуний уланишларни аниқлаш ва бартараф этиш Мажбурий ижро бюроси органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

2019 йилнинг 11 ойида бюро томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланилган 7086 та ҳолат фош этилди. Газ ўғрилари шу тариқа давлатга жами 46,3 млрд. сўм зарар етказишган.

Шунингдек, бу йилги қиш мавсумига тайёргарлик кўриш жараёнида бюро, «Ўзнефтгазинспекция», «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, «Ўзстандарт» агентлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларида 6,2 млрд. сўмлик зарар етказиш билан боғлиқ 5 та, иссиқхоналарда 6,1 млрд. сўмлик зарар етказиш билан боғлиқ 584 та, оҳак ва ғишт ишлаб чиқариш корхоналарида 7,4 млрд. сўмлик зарар етказиш билан боғлиқ 79 та ҳолат фош этилган. Мисол учун, Самарқанд вилоятидаги автомобилларга газ тўлдириш шохобчасидаги ҳисобга олиш ускунасига ташқи таъсир ўтказилгани натижасида 3,3 млрд. сўм зарар етказилган. Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жойлашган шохобчада ҳисобга олиш ускунасининг электрон хотирасига таъсир кўрсатиш орқали 1,3 млрд. сўмлик газ талон-торож қилинган.

Мансаб суиистеъмолчилиги билан боғлиқ 42 та жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, газ таъминоти корхоналари ходимларининг мансабини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ 42 та жиноят иши қўзғатилган. Улар давлатга 12,9 млрд. сўмлик зарар етказганги аниқланган. Масалан, «Ўзтрансгаз» АЖ Фарғона вилояти филиали мансабдорлари мансабини суиистеъмол қилиш орқали вилоятдаги 7 та корхона билан қурилиш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузиб, шундан 2 та оҳак ишлаб чиқарувчи корхонага имтиёзли нархда газ лимитини белгилаб, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги 3630-қарори талабларини қўпол равишда бузиб, жами 2,7 млрд. сўмлик зарар етказган.

Мутасадди ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ноябрь ойида 31,2 млрд. сўм зарар етказиш билан боғлиқ 93 та ҳуқуқбузарлик фош этилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Алишер ТОИРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бош инспектори

Тўрт юзга яқин оила тикланди

Ўзбек халқи болажон халқ. Фарзанди учун бор будини беришга тайёр. Аммо орамизда тайёр эмаслар ҳам бор.

Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 6 мингдан ортиқ ижро ҳужжати бўйича 2 млрд. 750 млн. сўмлик алимент ундирилиши таъминланди.

Жумладан, бюронинг Сирдарё тумани бўлими иш юритувида бўлган фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг 2010 йил 1 мартдаги ижро варақасига асосан Д.Умбетовдан Н.Умбетовага битта фарзандининг моддий таъминоти учун 26 млн. 265 минг 340 сўм алимент ундирилиб берилди.

Давлат ижрочилари имом-хатиблар иштирокида низоли оилаларда ўтказган суҳбатлар, тушунтириш ишлари туфайли 11 ойда алимент ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича тарафлар яраштирилиб, 396 та оила тикланишига эришилди.

Шу билан бирга, алимент тўлашдан бўйин товлаган қарздорларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланиши қатъий назоратга олиниб, бундай шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Хусусан, 166 киши маъмурий, 5 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Бехзод АБДУРАХИМОВ,
МИБ Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ноқонуний ҳаракат озодликни чеклади

МИБ Баликчи тумани бўлими 2018 йил 20 октябрь куни ўтказган текширишда фуқаро М.Жўраев ва Х.Сойибжоновлар Олчазор маҳалласи Янгиҳаёт кўчасида яшовчи аҳоли учун ажратилган газ тармоғига яширинча, ер остидан ўзбошимчалик билан уланиб, ғишт ишлаб чиқариш корхонасида табиий газдан ноқонуний фойдаланган ҳолда оҳак ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келгани аниқланган. Натижада таъминотчи корхонага 184 млн. 615 минг сўм зарар етказилган.

3 млрд. сўмдан ошиқ газ ўғирланган.

Ўз қилмишларидан хулоса қилмаган М.Жўраев ва Х.Сойибжонов такроран эгри ишга қўл уради. 2019 йил 17 апрель куни МИБ Андижон вилояти бошқармаси ҳамда Баликчи тумани бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирда улар юқори босимли газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, оҳак ишлаб чиқаргани аниқланган. Оқибатда 3 млрд. 460 млн. 429 минг сўм зарар етказилган.

Мазкур ҳолат юзасидан М.Жўраев ва Х.Сойибжонов Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топилиб, жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани суди томонидан уларга 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, суд ҳукмида жиноят оқибатида етказилган 3 млрд. 645 млн. 44 минг сўм моддий зарар М.Жўраев ва Х.Сойибжоновдан солидар тартибда «Ўзтрансгаз» АЖ Андижон вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиалига ундириб берилиши белгилаб қўйилди.

Музаффар РАСУЛОВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Асилбек Меҳмонов (исм-фамилияси ўзгартирилган) Бувайда тумани электр корхонаси бош ҳисобчиси лавозимига тайинлангач, босар-тусарини билмай қолади. Мижозлар тўлаган пулга чанг солиб, жиғилдонидан ўтказиб юбораверади.

Бош ҳисобчининг ҳийласи

Ушбу лавозимда ишлаган бир ярим йил мобайнида 45 нафар истеъмолчи тўлаган 27 млн. 489 минг сўм нақд пулни ўз эҳтиёжига сарфлаб, талон-торож қилади.

Компьютердан фойдаланиб, ўзига бириктирилган «электрон калит» орқали 44 нафар истеъмолчи йиллар давомида электр энергияси учун тўлаган пулни ўзи пулларини ўзлаштирган истеъмолчиларнинг ҳисоб рақамларига киритиб қўяди. Ҳеч нарсадан бехабар фуқаролар ҳисоб рақамларидаги пулни бошқа фуқароларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб қўйишни сўраб «ёзган» қалбаки аризаларни ҳозирлаб қўйиб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган устомоннинг қилмиши фош этилди. Фуқароларнинг манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган собиқ бош ҳисобчи айбига тўлиқ иқрор бўлди.

Суд етказилган зарарни тўлиқ қоплаган А.Меҳмоновга муайян муддатга мансабдорлик лавозимлари ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Шохрух ФАЁЗОВ,
МИБ Бувайда тумани бўлими бошлиғи

Бурч унутилди, жиноят иши қўзғатилди

Оталар оила устуни бўлиш баробарида, аввало, фарзандларига ўрнак бўлиб, тарбиялаб, келгусида ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашадиган кишилардир. Бугун оилавий ажримларнинг аксариятига оила бошлиқларининг ана шу вазифаларни уддалай олмагани сабаб бўлмоқда.



Оиласини сақлаб кололмагани етмагандек, ажрашгандан кейин ҳам оталик бурчини бажармаётган оталар учраб турибди. Хусусан, Денов туманида алиментни ўз вақтида тўламаган икки отага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2017 йил 12 майдаги буйруғига асосан Б.С.дан вояга етмаган уч фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

Алимент пулини ўз вақтида тўлмагани учун унга 15 суткалик маъмурий қамоқ жазоси ҳам тайинланган. У бундан хулоса чиқармасдан, қарзини тўлашни хаёлига ҳам келтирмади. 2019 йилнинг сентябрь ойигача 11 млн. 611 минг сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товлаб келгани учун 24 сентябрда Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2013 йил 18 июндаги буйруғига асосан М.А.дан ҳам собиқ турмуш ўртоғига вояга етмаган бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

М.А. 2019 йилнинг сентябрь ойига қадар 24 млн. 343 минг 446 сўм алимент пулини тўламагани учун унга нисбатан ҳам 24 сентябрда Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши қўриб чиқиш учун судга ошириладиган бўлса, улар икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Алимент пули ҳам мажбурий равишда ундирилади.

Бобур ТОШПУЛАТОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

2019 йилнинг 19 декабридан бошлаб Тошкент — Москва йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилади.

Бугунги кунда дунёда пиротехника буюмларидан фойдаланиш кўламининг ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, янги йил кириб келиши олдидан мазкур масала янада долзарблашади. Шу кунларда ён-атрофда пиротехника воситалари ишлатилаётгани, яъни пақилдоқлар овози кўпайиб қолгани кузатилмоқда.



ҲАЁТИМИЗГА ХАВФ СОЛАЁТГАН «БОМБАЧА»ЛАР

Пақилдоқ сотувчиларни бозорлар, дўконлар, таълим муассасалари ва бошқа гавжум жойларда учратиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки пиротехника маҳсулотларининг таркибини портловчи ва ёнувчан моддалар ташкил қилади. Айниқса, мушакбозлик учун мўлжалланган, рангли, овозли, тутунли ва бошқа пиротехника воситалари алангага ўта таъсирчан бўлади. Улар ишлатилганда ҳарорати 3000 даражагача етиши мумкин. Инсон ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Бундан ташқари, ёнғин хавфини кучайтиради.

Аксарият ҳолатларда ушбу буюмларни ўсмирлар ва ёш болалар сотиб олиб, кўча ва бошқа жамоат жойларида тўсатдан портлатишади. Бунинг оқибатида йўловчилар, айниқса, кексалар чўчиб кетиб, асаби бузилади. Баъзан эса бахтсиз ҳодисалар ҳам юз бериши мумкин. Ваҳоланки, пиротехника буюмларини сотувчилар буни яхши билишади. Шунга қарамасдан моддий манфаатдорликни бошқаларнинг соғлиғи, ҳатто ҳаётидан устун қўйишади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185^1-моддасига мувофиқ пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистонга олиб кириш (Ўзбекистондан олиб чиқиш) ёки ўтказиш ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Жиноят кодексининг 250^1-моддасида эса бундай қилмишлар учун унинг ким томонидан содир этилгани ва қандай оқибатга олиб келганига қараб турли жазо чоралари, жумладан, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мутасадди органлар, турли ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда пиротехника воситаларининг республикамизга ноқонуний олиб кирилишига, мамлакатда сотилиши ва ишлатилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

КЕЛГУСИ СОНДА

Ўқувчининг тарбиясида ўқитувчи ва ота-онанинг муносабати. У қандай бўлиши керак?

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY’ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G‘ulomov ko‘chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] — tijorat materiali.

Buyurtma v-3980.
15 364 nusxada bosildi.
Oog‘oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko‘rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko‘chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20:00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Пақилдоқфуруш раис

Пиротехника воситалари савдоси билан ноқонуний шуғулланиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишини билса-да, «Сабр Самандар» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси бўлиб ишлаган С.А. ушбу савдодан чўнтагини қаппайтирмоқчи бўлди.

Жиноий гуруҳ тузиб, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ўтказишни мақсад қилган раиснинг бу режасини амалга ошириш учун шерикликка тайёр кимсалар ҳам дарҳол топилди. Пойтахтлик М.М. ҳамда Д.А. раҳнамолари С.А.нинг кўрсатмасига асосан «Эскижўва» деҳқон бозорининг гавжум жойларида пиротехника савдосини бошлаб юборишади. Яхшиямки эл-юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳамюртларимиз бор. Шундай фуқароларимиздан бир нечтаси ушбу ҳолат бўйича тегишли жойга қўнғироқ қилиб, хабар беришади. Департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими ва ички ишлар органлари ходимлари ҳамкорлигида «Эскижўва» бозорида ўтказилган профилактик тадбир пайтида М.М. ҳамда Д.А. пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда сотаётганда ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Суриштирув жараёнида бу шахсларни ёллаган С.А. ҳам ушланди. Уларнинг ёнидан Қирғизистонда ишлаб чиқарилган 2,5 миллион сўмлик «7-shots», «Соловей разбойник» номли пиротехника воситалари олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва суднинг ҳукми билан айбдорларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 15 фоизини давлатга ушлаб қолиш шарти билан икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шавқиддин ЖУМАЕВ,
департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Янги йил байрами олдидан фуқаролар А.А. ва О.И. ҳам пиротехника воситаларини улгуржи пуллаб, мўмайгина даромад қилишни кўзлашган эди.

Улгуржи савдога улгуролмади

Улар айланма йўллар орқали 200 блок пиротехника воситасини республикамизга олиб киришнинг уддасидан чиқишди. Шундан сўнг бозорма-бозор изғиб, пақилдоққа харидор излашди. Орада уч-тўрт кути оладиган ноинсофлар ҳам чиқди, лекин икковлон молни майдалаб сотишни ўзларига эп кўришмади. Ниҳоят Зангиота туманидаги «Ҳунармандлар» бозоридан мижоз топишди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деб бежиз айтишмайди. А.А. ва О.И. 200 блок пиротехника воситасини 1500 АҚШ долларига сотаётганда ушланди.

Айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, керакли ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, аҳоли пиротехника воситаларининг зарари ҳақида оммавий равишда огоҳлантирилмоқда. Шунга қарамай пиротехника воситаларини болаларига ўйинчоқ сифатида олиб бераётган ота-оналар ҳам учраб турибди. Ёш болалар пақилдоқдан куйган, оғир жароҳатланган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ота-оналар фарзандларига ана шу зарарли матоҳнинг ўрнига китоб олиб берсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Азизбек НАСИРОВ,
департаментнинг Зангиота тумани бўлими инспектори

Саҳифани ***Камолиддин АСҚАРОВ*** *тайёрлади*



Ўзбекистон ҳарбийлари АҚШда ўтказилган «Энг яхши жангчи» танловида ғолиб бўлди.



МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

32 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Йўлдош Эргашев табаррук 80 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Фарғона шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, Марғилон шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Фарғона вилояти прокуратурасида бўлим прокурори, Охунбобоев тумани прокуратурасида терговчи, Фарғона шаҳар прокуратурасида катта терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Йўлдош Эргашевнинг узоқ йиллик хизматлари ҳукуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 27 августдаги фармонига биноан "Жасорат" медали ва "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Йўлдош Ахмеджанович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

SPORT

Бизни қизиқарли ўйинлар кутмоқда

16 декабрь куни Швейцариянинг Ньон шаҳрида Европа чемпионлар лигаси 1/8 финал босқичи учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижаларига кўра Хосеп Гвардиола бошчилигидаги «Манчестер Сити» клуби Мадриднинг «Реал» жамоаси билан тўқнаш келди. Тахминимизча, бу 1/8 финал босқичидаги марказий ўйин бўлади.

Гвардиола фаолияти давомида «Реал» клубига қарши 17 та ўйин ўтказган. Шундан 9 тасида ғалаба қозонган, 4 тасида мағлуб бўлган, 4 та ўйинда дуранг қайд этилган. Шунингдек, Гвардиола сўнгги 3 та ўйинда «Реал»га ютқазган экан.

Бундан ташқари, «Челси» – «Бавария» ва «Атлетико» – «Ливерпуль» жуфтликлари ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Қуйида барча жуфтликлар билан танишишингиз мумкин.

Қуръа натижалари:

«Боруссия» (Германия) – «Пари Сен-Жермен» (Франция);

«Реал» (Испания) – «Манчестер Сити» (Англия);

«Аталанта» (Италия) – «Валенсия» (Испания);

«Атлетико» (Испания) – «Ливерпуль» (Англия);

«Челси» (Англия) – «Бавария» (Германия);

«Лион» (Франция) – «Ювентус» (Италия);

«Тоттенҳэм» (Англия) – «РБ Лейпциг» (Германия);

«Наполи» (Италия) – «Барселона» (Испания).

Эслатиб ўтамиз, дастлабки ўйин номи биринчи кўрсатилган жамоа майдонида бўлиб ўтади.

1/8 финалнинг биринчи ўйинлари 18, 19, 25 ва 26 февралга, жавоб ўйинлари 10, 11, 17 ва 18 мартга белгиланган.

ФИФА Блаттер ва Платинини судга берди

ФИФА 16 декабрь куни ташкилотнинг собиқ президенти Зепп Блаттер ва УЕФАнинг собиқ раҳбари Мишель Платини устидан судга мурожаат қилди. Бу ҳақда ФИФА матбуот хизмати хабар тарқатди.

ФИФА Блаттер томонидан 2011 йилда Платинига тўлаб берилган 1,6 миллион евро пулнинг қайтарилишини истамоқда. Швейцария федерал олий суди ушбу тўловни асоссиз деб топди. УЕФАнинг собиқ президенти пулни ФИФАга қайтарса, у футболни ривожлантириш учун сарфланади.

Эслатиб ўтамиз, Блаттер ва Платини 2015 йилда 8 йилга футболдан четлатилган, улар шикоят қилгач, бу муддат 6 йилга туширилган эди.



Анчелотти «Эвертон»ни танлади



Италиялик мураббий Карло Анчелотти Ливерпулнинг «Эвертон» клуби билан келишувга эришди. Бу ҳақда «Sky Sports News» агентлиги «Твиттер»даги саҳифасида хабар бермоқда. Шу тариқа у «Эвертон»да яқиндагина истеъфога чиқарилган Марк Силванинг ўрнини эгаллайди.

2018 йилнинг май ойида италиялик мураббий «Наполи» бошқарувини қўлга олган, унинг жамоа билан келишуви уч йилга мўлжалланган эди.

Эслатиб ўтамиз, Анчелотти илгари ҳам АПЛда ишлаган. 2009 йилдан 2011 йилга қадар у «Челси»ни бошқарган ва жамоа билан чемпионликни қўлга киритган.

«Эвертон» айни пайтда АПЛ турнир жадвалида 17 турдан сўнг 18 очко жамғариб 16-поғонада бормоқда.

Бундан ташқари, Карло ота «Арсенал»га келиши мумкинлиги ҳақида хабарлар бор.

Месси яна совриндор

«Магса»нинг тақдирлаш маросимида Месси Ла лиганинг олдинги мавсумдаги тўпурари сифатида «Пичичи» мукофотини қўлга киритди. Мавсумнинг энг яхши футболчисига бериладиган «Альфредо ди Стефано» кубоги ҳам «Барселона» ҳужумчисига берилди.



«Бугун мен «классико» сабаб маросимга бора олмадим, лекин йиғилганларга раҳмат айтиб қоламан. Бу мукофотни яна бир бор олиш мен учун шарафдир», – дейди Месси.

Аргентиналик футболчи «Пичичи» мукофотини олтинчи марта қўлга киритган ҳолда Ла лига рекордини ўрнатди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

E'LON

«Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда МЧЖ "JV MAN AUTO-Uzbekistan" ҚКнинг 2019 йил 18 декабрдаги 05/4/1-131-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Тошкент кўчаси 2-уйда сақланаётган, 2013 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 711 ОСА, техник носоз бўлган «Ласетти» русумли автомашина 35 120 181 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 20 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашина 20 январь куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 27 январь ва 3 февраль** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси Зарафшон шаҳар прокурори Шерзод Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси

Зарифа онанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ ва Бюронинг Самарқанд вилояти бошқармаси жамоалари вилоят бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Бурхон Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси

Зарифа ая САФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.